

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ ИЖТИМОЙИ-ФАЛСАФИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-564-572>

Хушбоқова Нигора Файрат қизи

Термиз давлат университети Юридик факультети
Юриспруденция таълим йўналиши 2-босқич талабаси
nigoraxushboqova2003@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Янги Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этиши ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриши йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишидир.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этиши ҳамда ҳар томонлама камол топтириши мамлакатимиизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларда бош омил қилиб олинаётгани бунинг ёрқин мисолидир.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти, иқтисодий ва сиёсий ҳокимият, вертикал феодал тузилмалар, “кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”, “Инсон ҳуқуқлари умумжсаҳон декларацияси”, Ҳаракатлар стратегияси, Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлилар дафтари”

ABSTRACT

In the new Uzbekistan, large-scale reforms are being carried out to build a free civil society and a humane democratic state governed by the rule of law. The main purpose of these reforms is to glorify human dignity, ensure its rights and interests and protect them socially.

A vivid example of this is the fact that the glorification of man, the expression of his rights and legitimate interests, as well as the full development of all are the main factors in all the ongoing reforms in our country.

Keywords: civil society, economic and political power, vertical feudal structures, "from a strong state to a strong civil society", "Universal Declaration of Human Rights", Action Strategy, New Uzbekistan Development Strategy, "Iron Book", "Women's Book", "Youth Book"

АННОТАЦИЯ

В новом Узбекистане проводятся масштабные реформы по построению свободного гражданского общества и гуманного демократического правового государства. Основной целью этих реформ является прославление человеческого достоинства, обеспечение его прав и интересов и их социальная защита.

Ярким примером тому является тот факт, что прославление человека, выражение его прав и законных интересов, а также всестороннее развитие всех являются главными факторами всех проводимых в нашей стране реформ.

Ключевые слова: гражданское общество, экономическая и политическая власть, феодальная вертикаль, “от сильного государства к сильному гражданскому обществу”, “Всеобщая декларация прав человека”, Стратегия действий, Новая стратегия развития Узбекистана, “Железная книга”, “Женская книга”, “Молодежная книга”.

КИРИШ

Фуқаролик жамияти тушунчаси – кишилик жамиятининг асрлар мобайнида шаклланган тафаккур маҳсули бўлиб, инсон ҳуқулари ва эркинликларининг ҳолати билан белгиланади. Фуқаролик жамиятининг пойдеворини яратиш ва уни амалда шакллантириш учун аввало у ҳақдаги ҳоялар генозисини, асосларини билиш лозим. Фуқаролик жамияти маълум асослар (иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий) яратилгандагина шаклланиши мумкин [1].

Ўзбекистонда янги жамиятни ривожлантириш ислоҳотлари жараёнида жаҳондаги турли мамлакатларда фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши турли даражада ва даврларда амалга оширилганлигининг назарий ва амалий жиҳатларини, тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, фуқаролик жамиятининг бу прогрессив жиҳатлари (тамойиллари ва белгилари) синалган тажриба сифатида ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда фуқаролик жамияти қуришда эътиборга олишга имкон беради. Шу нуқтаи назардан фуқаролик жамияти фанини олий таълим тизимида ўқитиши долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Фуқаролик жамияти фанини ўқитиши асносида мамлакатда “**Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари**” тамойили асосида ислоҳотларни янада чукурлаштиришга доир тажрибалар ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билимлари ёрдамида нафақат янги жамиятда яшайдиган, балки бу жамиятни ривожлантиришда

бевосита фаол иштирок эта оладиган ёш авлодни шакллантиришга қаратилган билимлар бериш назарда тутилади.

Фуқаролик жамияти – очик ижтимоий тузилма. Унда сўз эркинлиги, шу жумладан, танқид қилиш эркинлиги, ошкоралик, ҳар хил ахборотлар олиш эркинлиги, эркин кириш ва чиқиш хуқуқи, бошқа мамлакатлар билан кенг миқёсда доимий асосда ахборот, таълим технологиялари алмашинуви, чет давлатлар ва жамоат ташкилотлари билан маданий ва илмий ҳамкорлик, ҳалқаро хуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ ҳалқаро хорижий бирлашмалар фоалиятига кўмаклашиш таъминланади. У умумий инсонпарварлик тамойилларига содик бўлиб, дунё миқёсидаги шундай тузилмалар билан ўзаро алоқа қилиш учун очиқдир.

Фуқаролик жамияти – хуқуқий демократик давлат билан уйғунликда яшайди. Бу ерда инсон ва фуқаронинг табиий ва ўзлаштирилган хуқуқларини тан олиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш боғловчи омил сифатида амал қиласди.

Фуқаролик жамиятининг асосий унсури айрим шахс бўлса, фуқаролик жамияти институтлари, ташкилотлар, групчулар ва ҳоказолар уни шакллантирувчи омиллардир. Улар шахс, унинг манфаатлари, мақсадлари, ниятлари ва ҳоказоларни рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Шу сабабли иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни ажратиш, ҳақиқий фуқаролик жамиятининг юзага келиши ва қарор топишининг бош омили ҳисобланади. Иқтисодий ҳокимият сиёсий ҳокимият билан қўшилганида муқаррар тарзда иқтисодий ҳокимиятнинг бир марказ, бир одам ёки шахслар групчалида жамланиши юз беради. Агар сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятлар турли турли марказлар, қўлларда жамланса, улар бир-бирини чеклаб туради.

Фуқаролик жамияти тушунчаси абсолютизм ағдарилганидан сўнг шаклланган янги ҳаётни, яъни фуқароларнинг шахсий ҳаётини давлат тазиёқидан халос этишни акс эттиради. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда мансабдорлар фуқаролар билан ўзаро муомалаларда қонунга қатъий риоя қилиш ғоялари илгари сурилди.

Тарихда давлатдан мустақил равишдаги жамият амалда доимо намоён бўлган даврлар ҳам бўлган, бироқ у доимо ҳам фуқаролик мазмунини касб этавермаган. Фуқаролик жамияти давлатнинг ижтимоий тузилмаларидан ажралиши, у ижтимоий муносабатларнинг нисбатан мустақил жабҳасига айланиш натижаси ўлароқ пайдо бўлди. Фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиши жараёнида ҳозирги давр ҳуқуқи ва давлати вужудга келди.

Кўриб турганимиздек, фуқаролик жамияти категорияси тарихан инсоният ривожланишининг шундай бир алоҳида йўналишини акс эттирадики, у ҳар бир давлатнинг ўзига хос тафаккурининг оқилоналиқ, эркинлик, фаровонлик ва адолат ҳукм сурувчи идеал жамият моделини яратишга интилиши билан тавсифланади. Давлат, оила, қабила, миллат тушунчалари, диний ва бошқа бирликлардан фарқ қилувчи фуқаролик жамияти категорияси XVIII-XIX асрларга келиб ўрганила бошланди.

Европа ва Америка мамлакатларининг катта миintaқаларида фуқаролик жамитининг шаклланиши янги даврда бошланди. Олимлар ва мутахассисларнинг фикрига кўра, фуқаролик жамиятининг ривожланишини уч босичга ажратиш мумкин. Бунда бир босқичдан кейинги босқичга ўтишда жамият ва давлат тузумида катта ўзгаришлар, ижтимоий ва сиёсий тангликлар, оммавий ҳаракатлар, синфларнинг тўқнашувлари, жамият мафкурасида туб ўзгаришлар юз берган.

Биринчи босқич шартли равишда XVI-XVII асрлар.

Иккинчи босқич XVIII аср охиридан XIX аср охиригача давом этади.

Учинчи босқич (XIX аср охири ва кейинги давр) вертикал феодал тузилмалар ўрнини эркин одамларнинг ҳуқуқий тенглиги ва ўзаро битимларига асосланган горизонтал муносабатлар эгаллагани билан тавсифланади.

Маълумки, фуқаролик жамиятини – ҳаётйлигини ва самарадорлигини таъминловчи – ҳуқуқий давлат доирасидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода Соҳибқирон Амир Темурнинг қуидаги сўзлари ҳозирги замон билан ҳамнафас жаранглайди: “Тажриба, - деб ёзади у , менга шуни кўрсатди, дин ва қонунга таянмаган ҳукумат, ўзининг буюк қудратини узоқ вақт сақлаб тура олмайди. Уни ҳар қандай ёвуз киши кириши мумкин бўлган на томи, на эшиги, на панжаралари бор уйга ўхшатиш мумкин. Шунинг учун мен ўз салтанатимни ислом арконлари ва бошқарувда ўзим қатъий амал қилувчи қонунлар асосида қурдим”.

Бугунги кунга келиб дунёning аксарият давлатларида ҳуқуқий демократик тизимлар умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлиги сифатида қарор топаётганлиги фуқаролик жамиятини барпо этиш инсоният ҳаёт тарзининг энг мақбул ривожланиш йўли эканини деярли барча давлат эътироф этаётганлиги ва унинг жаҳоний кўлам касб этаётганлиги **фуқаролик жамиятини фан сифатида ўрганишни тақозо этмоқда**.

“Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб

етиб келган, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов. – Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилмоқдамиз”[2].

Демократик хуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш – Ўзбекистоннинг пировард мақсадидир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз... Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт”[3]

Дарҳақиқат, адолат тушунчаси билан қонун устуворлиги тушунчаси бир-бир билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қабул қилинаётган қонунларимиз замирида адолат ётиши лозим. Адолатга асосланган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши адолатнинг тантана қилишига олиб келади.

Қонун устуворлиги – фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, адолат мезони ҳисобланади. Чунки, қонун устуворлиги таъминлансанагина адолат қарор топади, инсонлар миллати, тили, урф-одати, анъанаси, қадриятлари, диний эътиқоди, жинси, ижтимоий аҳволи кабиларда тенгликка эришадилар.

Юртимида сўнгги йилларда шундай ўзгаришлар, янгиланишлар юз бермоқдаки, бу ўзгаришлар шиддатидан, кўламидан, оламшумуллигидан ақл шошиб қолади. Қисқа давр ичида қад кўтараётган бино ва иншоотлар, ишга туширилаётган завод ва фабрикалар, фойдаланишга топширилаётган таълим ва соғлиқни сақлаш масканлари, оромгоҳлар, спорт, санъат, маданият масканларининг барчаси халқ учун, сиз ва биз учун бунёд қилинмоқда.

Сўнгги йилларда, мустақилликка эришган давримиздан кейинги даврда илк бора мустақилликнинг туб моҳиятини англатувчи ғоя – инсон манфаатларини давлатимиз фаолиятининг марказига олиб чиқиш ғояси илгари сурилди.

Ҳар бир инсон эркин, мустақил ҳаёт кечиравчи, ўзининг имкониятларини, қобилиятини тўла намоён қила олишига барча шароитлар муҳайё қилинган жойда яаш, умргузаронлик қилиш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб келган. Инсоннинг бу орзуси ушалиши, у яшайдиган мамлакат ҳақиқий эркин, баҳтли ҳаётни таъминлаб бера олиши учун ушбу мамлакатда муайян иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-хуқуқий шароит мавжуд бўлиши лозим. Бу жойда инсон хуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор энг олий даражада бўлмоғи даркор.

Чунки инсон ўзини мустақил ва баҳтли ҳис қила олиши учун, авваламбор, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган бўлиши шартдир.

Ҳар бир жамиятнинг асосий мезони ҳисобланган инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқнинг обьекти сифатида 1948-йилда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг қабул қилиниши билан расман тан олинди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ушбу ҳужжатнинг тарихий аҳамияти шундаки, унда илк маротаба дунё ҳамжамияти инсон ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни халқаро муаммо даражасида эътироф этди. Мустақил мамлакатлар қатори Ўзбекистон Республикаси ҳам муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир. Буларнинг ичида энг муҳими ва устувори мамлакатимиз ҳудудида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мамлакатимиз фуқаросини том маънодаги эркин ва мустақил шахсга айлантиришdir [4].

Бугунги кунда республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга, унинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизни 2017-2021-йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-йил 7-февральда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, давлатимиз раҳбари ташабbusи билан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Мамлакатимизда эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизим жорий этилиб, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”дагилар билан манзилли ишлаш йўлга қўйилди. Аҳолининг кам таъминланган ва заиф қатламларини ижтимоий ёрдам тизимиға киритиш ва уларнинг меҳнат бозоридаги иштирокини кенгайтириш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида мунтазам ишлар олиб борилмоқда [5].

Арzon уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурлар амалга оширилиб, мамлакатимиз аҳолиси, энг аввало, ёш оилалар, уй-жойга эҳтиёжи бор фуқароларни яшаш шароитини яхшилаш мақсадида имтиёзли шартларда

ипотека кредитлари ажратилиб шаҳар ва қишлоқ жойларда арzon уйлар курилиб топширилмоқда.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон “**Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат**” деган муҳим ғоя негизида барпо этилмоқда. Давлатимиз раҳбари белгилаб берган бу улуғвор мақсад асосида халқимиз янгидан-янги ислоҳотларнинг ҳақиқий муаллифига айланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2022-йилни “**Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили**” деб номланиши мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя масаласида амалга оширилаётган ишлар қўлами тобора кенгайиб бориши ва инсон манфаати ва қадри устувор эканлигининг далолатидир.

Мана бугун бутун Ўзбекистон халқини шукроналик ҳисси, мана беш йилдирки, тарқ этгани йўқ. Барчамизнинг кўзлаган мақсадларимиз улкан эди. Аввалбошданоқ Президентимиз раҳбарлигига маррани баланд олиб, ҳалқимиз ҳаётини яхшилашни олдимизга олий мақсад қилиб қўйган эдик. Бу ниятларга ортиғи билан эришдик, дейишга бугун тўлақонли асосларимиз бор, - дея таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева [6].

Бугун барчамиз янги тараққиёт даври остонасида турибмиз. 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг қабул қилиниши том маънода тарихий воқеа бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлган ушбу тарихий ҳужжатда яқин ва ўрта истиқболда Ўзбекистоннинг тараққиёт тенденциялари, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини комплекс ривожлантириш аниқ белгилаб берилган.

Тараққиёт стратегиясининг аҳамияти шундаки, унинг ишлаб чиқилишида мавжуд муаммолар эътиборга олинди, ечимини кутаётган долзарб вазифалар акс эттирилди. Энг муҳими, ҳужжатнинг ишлаб чиқилишида халқимиз фаол иштирок этди. Том маънода халқимиз ҳаммуаллифлигига ишлаб чиқилди, дейиш мумкин.

Ҳужжатда “Инсон қадри учун” деган тамойилни ҳаётда тўла рўёбга чиқариш вазифаси яққол акс этган. Айтиш керакки, бу қадрият баландрапвоз гаплардан холи тушунча бўлиб, унинг замираida ҳар бир инсоннинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечириши, унинг фундаментал ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этиш, малакали тиббий хизмат қўрсатиш, сифатли

таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик мухит яратиб беришдек устувор мақсад ва вазифалар мужассам.

Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, Тараққиёт стратегиясида еттига устувор йўналиш бўйича “**Инсон қадри учун – 100 та мақсад**” белгилаб олинган.

Жумладан:

- инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
- мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
- адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
- маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиши;
- миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда умубашарий муаммоларга ёндашиш;
- мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёsat олиб бориш[7].

Ушбу мақсадларга эришиш учун жорий йилнинг ўзида умумий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Тараққиёт стратегиясини “**Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла иили**” да амалга оширишга оид Давлат дастурида 204 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда 207 та бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Давлат дастурида белгиланган мақсадларга эътибор қаратилса, уларнинг барчаси битта асосий мақсадга, яъни инсон қадрини улуғлаш, инсон қадрини юксалтиришга хизмат қиласди.

Давлат дастури доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқароларга 2022-йилда нафақат жиноят ишлари, балки фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартибини жорий этилиши инсон қадри, унинг манфаати ҳамиша юқори ўринда туриши керак деган халқпарвар ғоянинг узвий давоми десак асло муболаға бўлмайди.

ХУЛОСА

Бир сўз билан айтганда, юртимизда қабул қилинаётган барча қонунларда мамлакатимизни янада тараққий эттириш, халқимиз муносиб ва фаровон ҳаёт кечириши, ўсиб келаётган ёшларимиз жамиятдан муносиб ўрин эгаллаши, эртамиз бугундан ҳам нурафшон бўлиши учун улуғвор мақсад ва вазифалар белгиланган. Ва яна шуни айтиб ўтишимиз жоизки, биз ёш авлод ҳам қилинаётган ишлар, кўрилаётган бу чора-тадбирлар давомида амалий қўмагимизни беришимиз, яъни Ватанимизга, президентимизга содик ва муносиб бўлишимиз, илм-маърифат йўлида заҳматкаш бўлмоғимиз, дунёга ўзбек деган номни янада кенгроқ танитишимиш лозим. Бу бизнинг инсоний бурчимиз ва бизга берилган имкониятларга жавобимиз бўлади.

REFERENCES

1. Обид Ҳайдаров. “Фуқаролик жамияти” фанидан услубий қўлланма. Самарқанд – 2019.
2. [http://www.samvmi.uz/frontend/web/.images/Gumanitar%20kafedra/.O.Haydarov%20Fuqarolik%20jamiyati/pdf/](http://www.samvmi.uz/frontend/web/.images/Gumanitar%20kafedra/.O.Haydarov%20Fuqarolik%20jamiyati/pdf;);
3. www.president.uz/;
4. <http://hozir.org/4-vazifa-qonun-ustuvorligi-tushunchasi-va-uning-mohiyati-nima-v2/html>;
5. <http://edumedia-depot/gei.de/bitstream/handle/.11163/6229/1684444012/pdf?sequence=1>;
6. <http://nammti.uz/uz.2022/01/11/5270/.>;
7. <http://yuz/uz/news/xalqparvar-davlat-islohotlariadolatli-va-obod-yashash-yolidagi-kattaqadamlar-bilanqadrlanadi>;
8. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “Ўзбекистон”. 2021. 454 б